

Наҳв олими Мунзир Марвазийнинг наҳв музокарасига қаттиқ киришганидан «Музокара» деб лақаб олгани



15:50 / 01.02.2020 2749

Баъзи араб луғати олимлари дуч келган уламолар билан сабабли «Музокара» деб лақабланганлар. Ҳофиз Ибн Ҳажар «Нузҳатул албаб фил алқоб» да айтади: «Музокара деб ёзилган киши наҳв ва луғат илмининг имоми Мунзир ибн Абдурроҳман ибн Муовия ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мунзир ибн Абдурроҳман ибн Муовия ибн Ҳишом ибн Абдулмалик Андалусий Марвонийдир. Бундай лақаб олишларига сабаб бу зот дўстларидан бирортасига йўлиқсалар унга: «Араб тилидан бирор бобни музокара қилишни хоҳлайсанми?» дерди. Шунинг учун «Музокара» деб лақабланиб қолган. Буни ибн Ҳазм ҳам зикр қилган ва уни 393-ҳижрий санада вафот этганини айтган.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан